

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

УСМОНОВ ДОНИЁР МАХМУДОВИЧ

**ШАРТЛИ ҲУҚМ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ, ҲУҚУҚИЙ
ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Усмонов Дониёр Махмудович

Шартли ҳукм қилиш институтининг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш 5

Усмонов Дониёр Махмудович

Совершенствование теоретических, правовых и практических аспектов института условного осуждения 24

Usmanov Doniyor Makhmudovich

Improvement of theoretical, legal and practical aspects of the institution of suspended sentence 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

УСМОНОВ ДОНИЁР МАХМУДОВИЧ

**ШАРТЛИ ҲУҚМ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ, ҲУҚУҚИЙ
ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Үу161 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тахиров Фарход юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Расулев Абдулазиз Каримович юридик фанлар доктори, доцент Абдуқодиров Шерзод Ёкубжонович юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Үу.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 13 июнь соат 14⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1022-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2020 йил 3 июнь куни тарқатилди.

(2020 йил 3 июндаги 21-рақамли реестр баённомаси).

А.С. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Дж.Х. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Р. Кабулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда шартли ҳукм қилиш билан боғлиқ қоидалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган чоралар тўғрисидаги минимал стандарт қоидалари»да¹ ва ҳар бир давлатнинг миллий қонун ҳужжатларида белгиланган. Аммо ҳисоб-китобларга қараганда ҳар йили жиноят содир этган 1 миллион 200 мингдан ортиқ шахслар пробация хизмати томонидан назоратга олинади². Жумладан, АҚШда шартли ҳукм қилинган ва шартли равишда қамоққа олинганларнинг учдан бир қисми мазкур қоидаларни тўлиқ бажармайди ва ушбу шахсларнинг деярли 350 мингтаси қоидаларни бузганлиги ва янги жиноятлар содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жойларига қайтарилади³. Юқорида келтирилган кўрсаткичлар шартли ҳукмни қўллашга оид муаммоларни юзага келтириб, ушбу чоранинг ҳуқуқий мустаҳкамлаш заруратини тақозо этмоқда.

Жаҳонда шартли ҳукм қилиш институтининг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари бўйича жадал илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Уларнинг бу борадаги, айниқса шартли ҳукм қилинган шахслар хулқ-атвори устидан тўлиқ (таъсирчан) назорат олиб бориш, назорат олиб боришни замонавий техник воситалар ва технологиялар билан етарлича таъминлаш, судларнинг шартли ҳукм қилинган шахсларга таъсирчан мажбурият ва чекловларни белгилаш, шунингдек шартли ҳукмни қўллаш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда жиноят содир этган шахсларни жазодан озод этишга оид муаммоларни таҳлил қилишда шартли ҳукмни самарали қўллаш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2015–2019 йиллар давомида шартли ҳукм қилинган шахслар сони умумий судланганларнинг 8 фоизини ташкил этган. Бироқ улардан 4 фоизи ҳукм шартларини бузган, таҳлил қилинаётган даврда уларнинг сони 6 фоизга ошган⁴. Бугунги кунда ушбу ҳолатларнинг сабаб ва шароитларини тадқиқ этиш, шартли ҳукм қилинган шахсларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, шартли ҳукм қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган қонун нормалари самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, жиноят содир этган айбдор шахсларни ахлоқан тузатишда шартли ҳукмни қўллаш бўйича назарий ва ҳуқуқий механизмларини яратиш орқали келгусида шартли ҳукмдан янада самарали фойдаланишга эришиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

¹ Минимальные стандартные правила Организации Объединенных Наций в отношении мер, не связанных с тюремным заключением [Токийские правила] принятые резолюцией 45/110 ООН от 14 декабря 1990 года: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/tokyo_rules.shtml.

² <https://www.google.com/url?sa=t&source=web&rct=j&url=http://wp.unil.ch/space/files/2017/03>

³ <https://www.pewtrusts.org/en/research-and-analysis/articles/2018/10/31/1-in-55-us-adults-is-on-probation-or-parole>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва ИИВ ЖИЭББ ҳузуридаги Пробация хизматининг 2015–2019 йилларга оид статистик маълумотлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 2 мартдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сон фармонлари, 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон, 2018 йил 7 ноябрдаги «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4006-сон қарорлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шартли ҳукм қилиш институтига оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари Қ.Р. Абдурасулова, А.Г. Закирова, З.С. Зарипов, И. Исмаилов, Р. Кабулов, Қ. Мирзажанов, Э.Х. Норбутаев, А.А. Отажонов, Ю.С. Пулатов, М.А. Ражабова, А.К. Расулев, М.Х. Рустамбаев, Н.С. Салаев, Ф. Тахиров, М. Усмоналиев, У.Ш. Холиқулов, Р.Р. Шакуров, Ғ.О. Эрматов, А.С. Якубовларнинг илмий ишларида муайян даражада ўрганилган.

М. Усмоналиев ва Ғ.О. Эрматовлар шартли ҳукмни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини атрофлича тадқиқ этганлар. Р. Кабулов, А.А. Отажонов, М.Х. Рустамбаев, Ф. Тахиров, У.Ш. Холиқулов, А.С. Якубовлар шартли ҳукмнинг юридик табиати, тушунчаси ва мақсадини ўрганганлар.

Қ.Р. Абдурасулова, Н.С. Салаев ва Т.Х. Файзуллаева шартли ҳукмни қўллаш асосларини, С.С. Ниёзова ҳамда Қ.П. Пайзуллаев шартли ҳукмда юклатиладиган мажбуриятларни, М.Ш. Юлдашев шартли ҳукм қилинган шахслар хулқ-атвори устидан назорат олиб боришни, Ш. Бердиев эса шартли ҳукмни бекор қилиш масалаларини ўрганганлар.

Хорижлик олимлар: В.В. Асадов, Г.Л. Землянов, В.В. Коваленко, Н.С. Малолеткина, С.Ю. Скобелин, Ю.М. Ткачевский, Т.И. Эрхитуевалар шартли ҳукмнинг моҳияти ва юридик табиатини, А.П. Островский, Е.А. Редькина, Д.А. Рябко шартли ҳукм тушунчасини, С.А. Борсученко, В. Егоров, Л.В. Иногамова-Хегай, Г.Г. Криволапов, К. Михайлов, I. Crow шартли ҳукмнинг мақсадини, И.М. Агзамов, Ю.А. Веретина, И.З. Галиуллин, Э.В. Кабурнеев, Н.Г. Кадников, А.В. Наумов шартли ҳукмда белгиланадиган синов муддатини, В.С. Комиссаров, S.J. King шартли ҳукм қилинганларнинг

хулқ-атвори устидан назоратни, В.И. Селиверстов, Т. Шарипов, I. Durnescu шартли ҳукмда юклатиладиган мажбуриятларни, Ю.В. Грачевева, А.В. Кладков, В.В. Макарова шартли ҳукмни қўллашга монелик қиладиган ҳолатларни тадқиқ этганлар.

Бироқ ушбу тадқиқотларда шартли ҳукмнинг муайян жиҳатлари ўрганилган, холос. Шартли ҳукм қилиш институтининг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар юзасидан комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» илмий-тадқиқот ишининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади шартли ҳукм қилиш институтининг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шартли ҳукм қилиш институти шаклланиши ва ривожланишининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш;

«шартли ҳукм қилиш» тушунчасини ва унинг қўлланиш амалиётини таҳлил қилиш асосида унга янгича таъриф бериш;

шартли ҳукмни қўллаш зарурати ва унинг самарадорлигини таҳлил қилиб, суд амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

шартли ҳукмни қўллаш ва бекор қилишнинг жиноят-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

шартли ҳукмни қўллашга монелик қиладиган ҳолатларни ҳуқуқий таҳлил қилиб, уни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

шартли ҳукмни қўллаш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти шартли ҳукм қилиш институтини қўллаш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини шартли ҳукм қилиш институтига оид жиноят, жиноят-ижроия қонунчилик нормалари, назарий қарашлар, ғоялар ва уларни қўллаш амалиётидаги муаммолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусига оид масалаларни ўрганишда умумлаштириш, дедукция ва индукция, анализ ва синтез, тизимли ёндашув, тарихий-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўрови, статистик маълумотлар таҳлили каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатларида шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан самарали назорат тизимини жорий этиш бўйича ички ишлар органларининг ваколатларини белгилаш зарурати асосланган;

шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш фаолиятига замонавий технологиялар, жумладан, электрон билагузукни татбиқ этиш эҳтиёжи мавжудлиги асосланган;

шартли ҳукм ижросининг самарадорлиги давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида вояга етмаганларни ўқитиш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича тадбирларни амалга оширишга бевосита боғлиқлиги асослантирилган;

шартли ҳукмни қўллаш самарадорлигини ошириш учун шартли ҳукмда белгиланадиган мажбурият ва чекловлар доирасини кенгайтириш зарурлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижасида Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқларидан бири ҳисобланган шартли ҳукм қилинган шахсларни назорат қилиш бўйича чоралар кўришга оид қоида киритилди. Бу эса шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан самарали назорат олиб бориш ва уларнинг ахлоқан тузалишига хизмат қилади.

Ички ишлар органларининг шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш фаолиятига замонавий технологиялар, жумладан, электрон билагузукни татбиқ этиш амалиётини кенг қўллаш борасидаги таклифлар келгусида шартли ҳукм қўлланилган шахсни назорат қилишга оид вазифасини осонлаштиради ва шартли ҳукмнинг самарадорлигини ошишига хизмат қилади.

Жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари ижросининг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда вояга етмаганларни ўқитиш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича тадбирларни амалга оширишга қаратилган таклифлар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг мустаҳкамланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Мазкур тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган хулосалар 2008 – 2020 йилларда республикамиз судларида кўрилган 300 та жиноят ишлари бўйича ҳукмлар, 500 дан ортиқ олимлар ва амалиёт ходимлари орасида ўтказилган сўровлар ҳамда қонунни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асосланган.

Хулосалар муаллифнинг тадқиқотдан кўзланган мақсад ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид қарашлари, таклифлари ҳамда статистик маълумотларни умумлаштиришга таянган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан шартли ҳукм қилиш белгиланган нормалар ва уларни қўллаш амалиётини

такомиллаштириш, тегишли қонун нормаларини шарҳлашда, жиноят ҳукуқи, жиноят-ижроия ҳукуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, келгусида ушбу соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, суд амалиётида шартли ҳукми қўллаш фаолиятини такомиллаштиришга, шунингдек, қонун нормаларининг бир хилда қўлланилишига, соҳага оид қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шартли ҳукм қилиш институтига оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни, уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ички ишлар органларининг шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 14 октябрдаги 06/2-06-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар ички ишлар органлари ходимлари томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган ёхуд шартли ҳукм қилинган шахсларни назорат қилиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш имконини берган;

пробация хизматининг жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари ижросининг самарадорлигини ошириш фаолиятига доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги «Пробация хизмати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 316-сонли буйруғининг 3-иловаси билан тасдиқланган низомнинг 7-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2019 йил 9 июлдаги 28/14-519-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши жазо ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари ижросининг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда вояга етмаганларни ўқитиш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича тадбирларни амалга оширишга хизмат қилган;

туман (шаҳар) ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимларининг шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш бўйича фаолиятига замонавий технологияларни кенг татбиқ этишга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сонли буйруғининг 18-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг 2020 йил 21 январдаги 26/174-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимларининг шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга

ошириш фаолиятига замонавий технологияларни кенг татбиқ этиш юзасидан чоралар кўрилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 3 та халқаро, 10 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилиниб, маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 7 та илмий мақола (улардан 1 таси хорижда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Шартли ҳукм қилиш тушунчаси, моҳияти ва унинг илмий таҳлил қилиш зарурати**» деб номланган биринчи бобида ушбу институтнинг шаклланиши ва ривожланиши, «шартли ҳукм қилиш» тушунчасининг назарий-ҳуқуқий таҳлили, шартли ҳукм қилиш институтини қўллаш зарурати ва унинг самарадорлиги таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, «Авесто»да жазо бериш «диний-этник қоидаларга бўйсундириш мақсадидаги ҳаракат» учун тўловни англадиб, жазо ва синаб кўриш қоидалари асосида қўлланилган. Шариат нормаларида бир ой рўза тутиб бериш, битта мусулмон кулни озод қилиш, тан жароҳати учун жавобгарлик, жабрланувчининг розилиги билан айбдор зиммасига жабрланувчи ёки унинг яқин қариндошларига товон тўлаш мажбуриятини юклаш, жазо қўллашни кечиктириш шаклида амалга оширилган. «Ясоқ» қонунларига мувофиқ айбдорга оғзаки танбеҳ берилган, у такроран жинойт содир этса сургун қилинган, сўнгра кишанланиб ертўла (зиндон)га ташланган. «Темур тузуклари»да давлат фақат адолатли қоидалар асосида қурилиши, яъни содир этган қилмиши учун пушаймон бўлганларни кечириш, бироқ улар иккинчи, учинчи марта содир этганларида қилмишига яраша жазоланиши белгиланган. Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида эса шариат нормаларига амал қилиниб, айбдор тавба қилган тақдирда, бу жазо тури шак-шубҳасиз бекор қилиниб, огоҳлантириш, жабрланувчининг талаби бўйича таъзир жазоси

қўлланилиши ёки жабрланувчи айбдорни кечирса, жазоланилмаслиги мумкинлиги белгиланган. XIX асрнинг 50-60 йилларига келиб, шартли ҳукм қилиш жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида шакллантирилган. Диссертацияда шартли ҳукм институти ривожланишининг тарихий жараёнларини тўртта даврга, яъни: илк давр (милоддан аввалги III ва милодий IX асрлар); ўрта асрлар ва кейинги даврлар (IX–XX асрлар); собиқ Иттифок (1917–1991 йил) ҳамда замонавий (1994 йилдан ҳозирга қадар) даврларга ажратган ҳолда ўрганиш ҳақида хулосага келинган.

Тадқиқотчи олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб, шартли ҳукмнинг юридик табиати жазони ўташдан озод этишнинг бир тури сифатида суд томонидан тайинланган жазони ўташдан озод этиб, шахсга ўз хулқ-атворини тузатиш имконини берувчи синов муддатини белгилашдан иборат деган хулосага келган.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ўзбек тили матнида кўрсатилган «шартли ҳукм қилиш» иборасига нисбатан «шартли ҳукм» кенг камровлилиги қайд этилган. Хусусан, «шартли ҳукм қилиш» ибораси ўз мазмунига кўра фақат шартли ҳукм қилишни англатади. «Шартли ҳукм» эса уни қўллаш, назоратини амалга ошириш, бекор қилишни қамраб олади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ўзбек тили матнида кўрсатилган «шартли ҳукм қилиш» иборасининг ўрнига «шартли ҳукм»ни қўллаш таклиф этилган.

Диссертант томонидан суд-тергов амалиётида «шартли ҳукм» тушунчаси борасида қарама-қаршиликлар мавжудлиги, жиноят қонуни ва бошқа норматив ҳужжатларда эса унга аниқ таъриф берилмаганлиги инобатга олиниб, муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Хусусан, «шартли ҳукм» тушунчасига *биринчидан*, «озодликни чеклаш» жазосининг тайинланиши, *иккинчидан*, «жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар» эътиборга олиниши, *учинчидан*, «белгиланган синов муддати давомида унинг хулқ-атворини, муайян мажбуриятлар ва шартларга риоя этишини назорат қилиш» каби зарурий белгилар киритилиши лозимлиги асослантирилган.

Диссертант ҳуқуқшунос олимлар (И. Исмаилов, Р. Кабулов, Д.Р. Қурбонов, М.З. Мукумова, Э.Х. Нарбўтаев, Ш.Г. Ниёзова, М.Ш. Юлдашев)нинг қарашларига асосланиб, айбдор шахсга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазолар қўлланилганда ҳар доим ҳам ўзининг ижобий самарасини бермаслиги ҳақидаги хулосасини қуйидаги омиллар билан изоҳлаган: *биринчидан*, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазонинг ижросини таъминлашда жазони ўтаётган шахсни назорат қилиш, маҳкумларнинг моддий маиший таъминоти учун катта маблағлар сарфланади; *иккинчидан*, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазони ўташ мобайнида ахлоқан тубанлашиб, хулқи бузилган шахслар билан мулоқотда бўлиб, ўзига салбий фикрлар ва қарашларни қабул қилади. Шу боис жиноят содир этган айбдор шахсга кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар, хусусан шартли ҳукмни қўллаш зарурати мавжуд.

Диссертацияда мамлакатимиз судлари томонидан жиноий жазони тайинлаш амалиёти таҳлил қилинган. Жумладан, 2017 йилда умумий судланган

шахсларнинг 71,6 фоизига, 2018 йилда 75,6 фоизига, 2019 йилда 74,8 фоизига жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш жазолари ҳамда шартли ҳукм чораси қўлланилган.

Ишда хорижий давлатлар тажрибасига таянган ҳолда шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат қилишда замонавий технологиялардан фойдаланишга эътибор қаратилган. Жумладан, электрон мониторингнинг биринчи қурилмаси 1960 йилда АҚШда ишлаб чиқилган бўлса-да, 1995 йилдан бошлаб Ғарбий Европа ва АҚШда электрон билагузуклар фаол қўлланила бошланди. Ушбу қурилмалар асосан шартли ҳукм қилинганлар ёки уй қамоғида бўлган шахслар, шунингдек оғир жинояти учун жазони ўтаб чиққан шахсларга нисбатан уларни назорат қилиш учун қўлланилган. Электрон мониторинг АҚШнинг 50 та штатидан 49 тасида, шунингдек Европа давлатларидан Буюк Британия, Швеция ва Нидерландияда, қолаверса, мазкур электрон кузатув қурилмалари Австралия, Канада, Янги Зеландия каби ривожланган давлатларда ҳам қўлланилади. Европа давлатларида электрон назорат воситаларини қўллаш натижасида маҳкумларнинг 91 фоизи жазони ўташ шартларини бузмаган, 94 фоизи эса такроран жиноят содир этмаган. Мазкур электрон назорат воситалари шартли ҳукмда ёки жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишда ҳам қўлланилиши мумкин.

Муаллиф тадқиқот ишида шартли ҳукмни қўллаш учун жазонинг нафақат маҳкумни ахлоқан тузатиш, балки бошқа барча мақсадларига эришишни таъкидлайди. Жумладан, шартли ҳукмнинг мақсади шахсни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда шартли ҳукм қилинган шахс, шунингдек бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олишдан иборат.

Диссертацияда суд-тергов амалиёти таҳлил қилинган ҳолда шартли ҳукмни қўллаш зарурати жамиятдан ажратмаган ҳолда маҳкумнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб борилиши; маҳкумнинг эркин таълим олиши ва меҳнат қилишига имконият яратилиши; айбдорнинг қонунда белгиланган шартларга риоя этишини таъминлаш орқали жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олди олиниши; айбдор оилавий мажбуриятларини ўз вақтида бажаришини таъминлашда намоён бўлади деган хулосага келинган.

Ишда сўнгги йилларда судлар томонидан қўлланилган шартли ҳукмнинг бекор қилиниши билан боғлиқ ҳолатлар кўпайганлиги қайд этилиб, уларнинг сабаблари ўрганилган. Шартли ҳукмнинг самарали қўлланилишига салбий таъсир этувчи қуйидаги омиллар аниқланган: 1) судлар томонидан шартли ҳукм қилинган шахс хулқ-атворининг тузалишига ёрдам берувчи мажбуриятлар ва чекловлар ўз ўрнида белгиланмаган (масалан, етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, муайян жойларда бўлмаслик ва бошқалар); 2) ўзини ўзи бошқариш органлари, иш ёки ўқиш жойидаги жамоа томонидан шартли ҳукм қилинган шахснинг салбий хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотлар ички ишлар органларига ўз вақтида берилмаётганлиги; 3) шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни олиб боришда ички

ишлар органларининг бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигининг етарли эмаслиги; 4) пробация хизмати ходимларининг шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширишда замонавий технологиялар (масалан, электрон кузатув қурилмалари ва бошқалар)дан фойдаланиш имкониятига тўлиқ эга эмаслиги; 5) ички ишлар органлари пробация хизматида ёки ҳарбий олий таълим муассасаларида шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб бориш билан боғлиқ махсус амалий тренинг машғулотлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва ҳ.к.

Муаллиф томонидан шартли ҳукмни қўллашнинг одил судловнинг амалга оширилиши ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда маҳкумнинг барвақт жамиятга мослашишини таъминлаш каби вазифаларнинг бажарилишига самарали хизмат қилиши таъкидланган. Ички ишлар органлари пробация хизмати ходимларининг шартли ҳукм қилинган шахслар хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Шартли ҳукмни қўллаш ва бекор қилишнинг жиноят-ҳуқуқий таҳлили**» деб номланиб, унда шартли ҳукмни қўллаш ва бекор қилишнинг жиноят-ҳуқуқий асослари, шунингдек шартли ҳукмни қўллашга монелик қиладиган ҳолатлар таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида суд ва пробация хизматидан олинган маълумотлар таҳлиliga асосланиб, 2015 йилда умумий судланган шахсларнинг 11,9 фоизига, 2019 йилда 5,2 фоизига шартли ҳукм қўлланилган, яъни унинг қўлланилиши қарийб икки бараварга камайганлиги қайд этилган.

Диссертант шартли ҳукмни қўллашда тайинланадиган жазоларнинг ҳиссасини таҳлил қилган. Жумладан, судлар томонидан айбдор шахсларга 90-94 фоиз ҳолатда озодликдан маҳрум қилиш, 3-4 фоиз ҳолатда ахлоқ тузатиш ишлари, 1-2 фоиз ҳолатда интизомий қисмга жўнатиш ёки хизмат бўйича чеклаш жазолари тайинланганида шартли ҳукм чораси қўлланилган.

Диссертант айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигининг шартли ҳукмга оид нормаларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида ҳозирги кунда мамлакатимиз жиноят қонунчилигига мувофиқ озодликни чеклаш жазоси тайинланганида ҳам шартли ҳукмни қўллаш зарурати мавжуд, деган хулосага келган. Сабаби, озодликни чеклаш жазосига нисбатан оғир турдаги жазо, яъни озодликдан маҳрум қилиш тайинланганида ҳам шартли ҳукмни қўллаш ижобий самара бераётганини қайд этади. Шунингдек, бир неча жиноят содир этилганида айбдорга биринчи жинояти учун озодликни чеклаш, иккинчи жинояти учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 72-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жазо турларидан бири тайинланиб, сўнгра жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинланганида шартли ҳукмни қўллаш имконияти кенгайтирилади ва синов муддати тугаши билан шахс судланмаган ҳисобланади деган хулосага келган.

Тадқиқотчи олимлар (Р. Кабулов, В.Б. Малинин, А.Ф. Парфенов, М.Х. Рустамбоев, М. Усмоналиев, Ғ.О. Эрматов, А.С. Якубов)нинг фикрига таяниб, шартли ҳукмни қўллашда шахснинг содир этган жиноятининг

ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини аниқлашда: содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир жиноят эканлигини; жиноятнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилганлигини; жиноят оқибатида етказилган зарар миқдори ва рўй берган оқибатларнинг оғирлик даражасининг эътиборга олиниши мақсадга мувофиқлигини қайд этган.

Ишда суд-тергов амалиёти таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасида назарда тутилган «ишдаги бошқа ҳолатлар» тушунчасининг батафсил таърифи амалдаги қонунчиликда кўрсатилмаганлиги боис уларни қўллаш жараёнида турли тушунмовчиликлар келиб чиқаётганлиги аниқланган. Шу боис мазкур тушунчага аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасида кўрсатилган «ишдаги бошқа ҳолатлар» ўрнига «жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни» белгилаш зарурлиги ҳақидаги ғоя илгари сурилган.

Диссертацияда судлар томонидан шартли ҳукми қўллаш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 72-моддасида назарда тутилган ҳолатлар (жиноят содир этган шахсининг вояга етмаганлиги, аёллиги, олтмиш ёшдан ошганлиги, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони эканлиги)дан ташқари, айбдорнинг яшаш жойидан берилган ижобий тавсифноманинг мавжудлиги, айбдорнинг қарамоғида кекса ота-онаси ёки вояга етмаган фарзандлари бор бўлиб, унинг оилада ягона боқувчи эканлиги, жиноят содир этиши натижасида оғир оқибатлар келиб чиқмаганлиги, оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этганлиги, муқаддам судланган ёки судланмаганлиги, қилмишидан пушаймон бўлганлиги, жиноятни очиш учун фаол ёрдам берганлиги, шунингдек жамоатчилик вакиллари томонидан кафиликка олинганлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги қайд этилган. Муаллиф мазкур қоидаларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорига киритилишини тавсия этган.

Ишда амалиётчи ходимлар ва олимлар (И. Исмаилов, М.А. Мусаев, А.А. Отажонов)нинг шартли ҳукми қўллашга монелик қиладиган ҳолатлар борасидаги фикрлари, миллий ва хорижий давлатлар (Қозғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси) қонун ҳужжатлари таҳлил қилиниб, оғир ва ўта оғир жиноятлар сирасига кирувчи терроризм, экстремизм ва коррупциявий жиноятларни, шу билан бирга уюшган гуруҳ ҳамда жиноий уюшма таркибида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан (жиноий уюшма ёки уюшган гуруҳ таркибида тадбиркорлик билан боғлиқ ҳолда содир этилган жиноятлар бундан мустасно) шартли ҳукм чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас деган хулосага келинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан, шартли ҳукм ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга ҳамда илгари содир этган оғир жинояти учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Ушбу қоидага мувофиқ агарда шахс илгари ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этгани учун ҳукм қилиниб, қайта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган

жиноят содир этган тақдирда ҳам унга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 72-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ яна шартли ҳукм қўлланилиши мумкин. Бироқ жиноят содир этган шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони эканлиги, аёллиги, олтмиш ёшдан ошганлиги шартли ҳукмни қўллашни истисно этмайди. Аммо судлар мазкур тоифадаги шахсларга шартли ҳукмни қўллашда айбдорнинг суд ҳукмни чиқараётган вақтидаги ёшини эмас, балки жиноятни содир этган вақтидаги ёши (ўн саккизга тўлмаганлиги)ни; шахсни жиноят содир этганидан сўнг ҳам биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолишини; шартли ҳукмни қўллаш вақтида олтмиш ёшдан ошганлигини эътиборга олиши зарурлигини қайд этади. Муаллиф фикрича, мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорига киритилиши мақсадга мувофиқ.

Диссертант синов муддати давомида шартли ҳукмни бекор қилишнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатларини санаб ўтиб, улардан биринчиси шартли ҳукм қилинган шахснинг ижобий хулқ-атворидан келиб чиқиб синов муддатининг қисқартирилиши, кейингилари эса шахснинг салбий хулқ-атвори, яъни унинг синов муддати давомида белгиланган мажбуриятларнинг мунтазам бажармаслиги ёки қўйилган талабларга риоя этмаслиги деб изоҳлаган.

Жумладан: *биринчидан*, агарда шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида ўзининг хулқ-атвори билан тузалганлигини исботласа, суд унинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи органнинг тақдимномасига биноан белгиланган синов муддатини қисқартириши ва шартли ҳукмни бекор қилиши мумкин;

иккинчидан, агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажаришдан мунтазам бўйин товласа ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий жазо қўлланилгандан сўнг, такроран ушбу ҳуқуқбузарликларни содир этган бўлса суд унинг хулқ-атвори устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан шартли ҳукмни бекор қилиши ва ҳукмда тайинланган жазони ўташ тўғрисида ажрим чиқариши мумкин;

учинчидан, шартли ҳукм қилинган шахс томонидан синов муддати давомида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этилса, шартли ҳукмни бекор қилиш ёки сақлаб қолиш масаласи суд томонидан ҳал этилади. Бунда, агарда суд томонидан шартли ҳукм бекор қилинса, шахсга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланади, агарда шартли ҳукм бекор қилинмаса, шахс фақат содир этган янги жинояти учун тайинланган жазони ижро этади;

тўртинчидан, шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида оғир ёки ўта оғир жиноят содир этса, суд унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди.

Диссертациянинг «**Шартли ҳукм қилиш институтини такомиллаштириш чоралари**» деб номланган учинчи бобида шартли ҳукмда белгиланадиган синов муддати, вояга етмаган шахсларга нисбатан шартли

ҳукми қўллашга оид нормалар ҳамда уни қўллаш механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертант шартли ҳукмнинг асосий жиҳатларидан бири бўлган суд томонидан тайинланадиган муддатни иккига ажратган: 1) тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг муддати; 2) шартли ҳукмнинг зарурий таркибий қисми бўлган синов муддати.

Синов муддати деганда, шартли ҳукм қилинган шахснинг тайинланган жазони реал ўтамасдан туриб ҳам хулқ-атворининг тузалиши ва тузалганлигини исботлаши зарур бўлган суд томонидан белгиланган аниқ вақт оралиғи тушунилади.

Тадқиқотчи хорижий давлатлар (Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Грузия, Туркменистон) тажрибаси ва ҳуқуқшунослар (Қ.Р. Абдурасулова, Ю.А. Веретина, Ю.В. Грачева, Л.В. Иногамова-Хегай, Э.В. Кабурнеев, Н.Г. Кадников, А.В. Кладков, В.В. Коряковцев, Г.Г. Криволапов, А.В. Наумов, К.В. Питулько, В.И. Селиверстов, А.О. Хапаев)нинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, шартли ҳукмнинг синов муддатини олти ойдан уч йилгача бўлган муддатда белгиланиши асослантириб, қуйидагича тоифалаштирган:

биринчидан, уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки унга муқобил жазо турлари: ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш жазоси тайинланганда, синов муддати олти ойдан бир йилгача;

иккинчидан, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда, синов муддати олти ойдан икки йилгача;

учинчидан, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда, синов муддати олти ойдан уч йилгача белгиланиши мумкин.

Муаллиф шартли ҳукми қўллашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда синов муддатининг белгиланиши зарурлигини таъкидлаган.

Шартли ҳукмда белгиланган синов муддати суднинг ҳукми қонуний кучга кирган кундан эмас, балки суд ҳукми эълон қилинган кундан бошланиши зарурлиги қайд этилиб улар қуйидагича асослантирилган: *биринчидан*, шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори устидан дарҳол назорат олиб борилишига эришилади; *иккинчидан*, маҳкум синов муддати мобайнида барча шартларга риоя этган бўлса ва ўзининг хулқ-атвори билан тузалганлигини исботласа, суд томонидан шартли ҳукм барвақт бекор қилиниб, шахснинг тайинланган жазони ўташдан озод этилишига ва жазо мақсадига эришилишига хизмат қилади.

Муаллифнинг фикрича, шартли ҳукм қилинган вояга етмаган шахсларнинг хулқ-атвори устидан нафақат ички ишлар органи пробация хизмати ходимлари, балки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари инспекторлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳам умумий назоратни амалга оширади.

Тадқиқот ишида жиноят содир этишда айбдор бўлган вояга етмаган шахсларга шартли ҳукмни қўллаш институти уларнинг алоҳида хусусиятларига асосланган ҳолда жорий этиш зарурлиги асосланган. Мазкур институтни қўллашнинг алоҳида хусусиятлари қуйидагилар билан изоҳланади: 1) ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум этиш жазоларидан бири тайинланганида шартли ҳукмни қўллаш мумкинлиги; 2) синов муддати олти ойдан икки йилгача белгиланиши; 3) вояга етмаган шахснинг хулқ-атвори устидан ички ишлар органлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари томонидан назорат олиб борилиши; 4) шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ёки оғир жиноят содир этса, шартли ҳукмни бекор қилиш ёки сақлаб қолиш масаласи суд томонидан ҳал этилиши; 5) шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида ўта оғир жиноят содир этса, суд унга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига назарда тутилган қоидаларга мувофиқ бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланиши кабилар.

Диссертант Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига «Вояга етмаган шахсларга нисбатан шартли ҳукмни қўллаш хусусиятлари» институтини жорий этиш давр талаби эканлигини асослаган. Мазкур институтнинг киритилиши, *биринчидан*, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик принципларига қатъий риоя этиш; *иккинчидан*, вояга етмаганлар учун жазодан озод қилиш турларини кенгайтириш; *учинчидан*, агар вояга етмаган шахс ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, ишини ва ўқишини давом эттиришига, шунингдек унинг иш ёки ўқишга жойлашишига имкон яратиши; *тўртинчидан*, шартли ҳукм қўлланилган вояга етмаган шахс жамиятга барвақт мослашиши ва қайта жиноят содир этишининг олдини олиши, унинг ўзига тўғри хулоса чиқаришига имкон беришидан иборат эканлиги билан асосланган.

Тадқиқот ишида хорижий давлатлар (Германия Федератив Республикаси, Франция, Россия Федерацияси, Молдова Республикаси, Белоруссия Республикаси, Украина) ва миллий қонунчилик нормалари таҳлил қилиниб, шартли ҳукм қилинган шахсларга юклатиладиган мажбуриятлар шартли равишда қуйидаги икки турга ажратилган:

1) шартли ҳукм қилинган шахсга юклатиладиган мажбуриятлар:
а) жабрланувчидан узр сўраш; б) муайян муддатда жиноят натижасида етказилган зарар (зиён)ни қоплаш; в) оиласини моддий таъминлаш; г) агарда маҳкум оилавий зўравонлик билан боғлиқ жиноят содир этган бўлса, зўрлик билан боғлиқ муносабатлар ва хулқини ўзгартиришга мўлжалланган мажбурий таълим олиш курсини ўташ; д) алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниши; е) ишга ёки ўқишга кириш; ж) яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органга хабар бериш; з) вақти-вақти билан келиб шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органларда рўйхатдан ўтиб туриш; и) назоратнинг электрон воситасини олиб юриш ва бу воситанинг хизмат қилиши учун уни ишчи ҳолатда сақлаш;

2) шартли ҳукм қилинган шахсга белгиланадиган чекловлар:
а) муайян жойларда бўлмаслик; б) муайян вақтда яшаш жойида бўлиш;

в) жиноят содир этилишига сабаб бўлган касбий фаолият тури билан шуғулланмаслик; г) муайян тоифадаги шахслар билан муносабатга киришмаслик (жабрланувчилар, жиноят иштирокчилари ва ҳ.к.); д) жиноят содир этиш учун туртки бўладиган предметларга эгалик қилишни ёки уларни сақлашни ман этиш.

ХУЛОСА

Шартли ҳукм қилиш институтининг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини такомиллаштиришни тадқиқ этиш натижасида қуйидаги таклиф, тавсиялар ва хулосалар ишлаб чиқилган:

I. Жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича хулоса ва тавсиялар

1. Шартли ҳукм институти ривожланишининг тарихий жараёнларини тўртта даврга, яъни: илк давр (милоддан аввалги III ва милодий IX асрлар); ўрта асрлар ва кейинги даврлар (IX–XX асрлар); собиқ Иттифоқ (1917–1991 йил) ҳамда замонавий (1994 йилдан ҳозирга қадар) даврларга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

2. Шартли ҳукмнинг юридик табиати жазони ўташдан озод этишнинг бир тури сифатида шахсни, суд томонидан тайинланган жазони ўташдан озод этиб, унга ўз хулқ-атворини тузатиш имконини берувчи синов муддатини белгилашдан иборатдир.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддасининг ўзбек тили матнида кўрсатилган «шартли ҳукм қилиш» ибораси ўз мазмунига кўра фақат шартли ҳукм қилишни англатади. «Шартли ҳукм» ибораси эса уни қўллаш, назоратини амалга ошириш, бекор қилишни қамраб олади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 72-моддасининг ўзбек тили матнида кўрсатилган «шартли ҳукм қилиш» иборасининг ўрнига «шартли ҳукм»ни қўллаш мақсадга мувофиқ.

